

## VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва дехқон хўжаликларисиз)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ти 274-сонли қарорига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларни Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизиматлари агентлиги худудий бўлимлари маълумотлар базаси асосида Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базаси шакллантирилади.


Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатдан ўтган юридик шахслар сони 48085 тани ташкил қилиб, шундан 41933 таси ёки 87,2 % фаолият кўрсатмоқда.




Рўйхатдан ўтган 48085 та корхоналар ва ташкилотларни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7500 тага ёки 18,5 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.



## Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар сони, бирликда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдода 12784 та (26,6 %), саноатда 9188та (19,1 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 5487 та (11,4 %), қурилишда 3849 та (8,0 %) ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 3753 та (7,8 %) соҳаларига тўғри келади.




**2020 йилнинг 1 июль холатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият қўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича**

	<i>Rўйхатга олинганлар</i>		<i>Фаолият қўрсатаётганлар</i>	
	<i>бирлик</i>	<i>якунга нисбатан %да</i>	<i>бирлик</i>	<i>якунга нисбатан %да</i>
<b>Жами</b>	<b>48085</b>	<b>100,0</b>	<b>41933</b>	<b>100,0</b>
<i>ишу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	5487	11,4	4732	11,3
саноат	9188	19,1	7972	19,0
қурилиш	3849	7,9	3312	7,9
савдо	12784	26,6	11057	26,4
ташиш ва сақлаш	1669	3,5	1442	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3753	7,8	3119	7,4
ахборот ва алоқа	634	1,3	496	1,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	730	1,5	687	1,6
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	9991	20,8	9116	21,7

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,5 % нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 18,0 % хусусий корхоналар, 3,1 % чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,1 % акциядорлик жамиятлари ва 78,8 % бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши  
(январь-июнь, умумий сонига нисбатан % ҳисобида)**



2020 йил январь-июнда жами 4073 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 3991 та). Уларнинг асосий қисми Зангиота (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 11,4 %), Қибрай (8,1 %), Ўртачирчик (6,8 %), Тошкент (6,1 %), Янгийўл (5,5 %), Бўстонлиқ (5,2 %) ва Қуйичирчик (5,1 %) туманлари ҳамда Юқоричирчик (4,8 %) шаҳарига тўғри келди.


**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича йиллар кесимида тақсимланиши, бирликда**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 35,7 % савдо, 18,1 % саноат, 17,6 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 7,7 % қурилиш, 7,1 % дан яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаларига тўғри келади.




**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари кесимидағи сони, бирликда  
(фермер ва дәхқон хўжаликларидан ташқари)**



Ҳисобот даврида 626 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 4 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 0,6 %) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2020 йил 1 июль ҳолатига 42,2 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйҳатга олинган бўлиб, шундан масъулияти чекланган жамиятлар – 29,7 мингта, хусусий корхона – 8,0 мингта, оиласвий корхона – 3,7 мингта, бошқа тижорат корхоналари - 0,8 минг тани ташкил этади.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг  
ташкилий ҳуқуқий шакллари**  
(январь-июнь жамиига нисбатан %да)




**Масъулияти чекланган жамиятлар:** 2020 йил 1 июнь ҳолатига фаолият кўрсатадиган масъулияти чекланган жамиятлар сони 26171 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5352 тага ёки 25,7 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

**Рўйхатга ўтган масъулияти чекланган жамиятлари  
тўғрисида маълумот**



**Хусусий корхоналар:** 2020 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналар сони 6288 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 226 тага ёки 3,7 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

#### **Рўйхатга олинган хусусий корхоналари тўғрисида маълумот**



**Оилавий корхоналар:** 2020 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 3281 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1190 тага ёки 56,9 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

**Рўйхатга  
олинганлар  
сони  
3 690 та**

- фаолият кўрсатаётганлар - 3 281 та
- фаолият кўрсатаётганлар - 409 та
- янги ташкил этилганлар - 585 та
- тугатилганлар - 22 та

2020 йилнинг январь-июнь ойларида жами 3999 та янги тижорат корхоналар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари - 3991 та). Янги ташкил топган тижорат корхоналарнинг асосий қисми Зангиота тумани (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 11,5 %), Қибрай (8,2 %), Ўртачирчик (6,9 %) ва Тошкент (6,2 %) туманлари ҳамда Янгийўл туманига (5,4 %) тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган тижорат корхоналарнинг асосий қисми 36,3 % савдо, 18,5 % саноат, 17,9 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва 7,9 % қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 491 та тижорат корхоналар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 4 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 0,8 %) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.


**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар** 2020 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 1248 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 261 тага ёки 26,4 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

## Хорижий капитал иштироқидаги корхоналарни йиллар кесимида сони, бирликда




Ҳудудлар кесимида хорижий капитал иштироқидаги фаолият қўрсатаётган корхоналарни асосий қисми Зангиота туманида 162 та (жамидаги улуши 13,0 %), Қибрай туманида 122 та (9,8 %), Юқоричирчик туманида 103 тани (8,3 %), Ангрен шахрида 84 та (6,7 %), Ўртачирчик туманида 83 тани (6,7 %), Чирчик шаҳарларида 79 тани (6,3 %), Янгийўл тумани 74 тани (5,9 %) ва Оҳангарон туманида 73 та (5,8 %) ташкил этилган. Энг кам хорижий капитал иштироқидаги корхоналар Бўка тумани 10 та (0,8 %), Бекобод тумани, Оққўргон тумани 11 тадан (0,9 %), Чиноз тумани 19 та (1,5 %), Пискент тумани 20 та (1,6 %) ва Бекобод шахри 22 та (1,8 %) ҳамда Паркент туманида 25 та (2,0 %) ташкил этган.

## Фаолият қўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарни худудлар кесимида сони, бирликда



## Фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатлар резидентлари капитали иштироқида корхоналар улуси, %



2020 йил январь-июнь ойларида хорижий мамлакатлар резидентлари капитали иштироқида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 123 тани ташкил этди. Бунда, асосан Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштироқида-12 та, Турция Республикаси-22 та, Россия Федерацияси-11 та, Казахстан Республикалари-5 та, Жанубий Корея Республикаси-3 та ва 70 та бошқа мамлакатларга тўғри келади.

### **Янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**



**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши**  
*(2020 йил I июль ҳолатига)*

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан, %</i>
<b>Жами</b>	<b>1248</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	117	9,4
Саноат	684	54,8
Курилиш	57	4,6
Савдо	221	17,7
Ташиб ва сақлаш	22	1,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	26	2,1
Ахборот ва алоқа	3	0,2
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	12	1,0
Бошқа фаолият турлари	106	8,5

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштироқида фаолият кўрсатаётган 1248 та корхоналарнинг 684 таси (54,8 %)-саноат, 221 та (17,7 %)-савдо, 117 таси (9,4 %)-қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 57 та (4,6 %)-курилиш, 26 та (2,1 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 22 та (1,8 %) -ташиб ва сақлаш, 12 та (1,0 %)-соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 3 та (0,2 %) - ахборот ва алоқа ҳамда 106 та (8,5 %) бошқа фаолият турлари соҳасига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг  
иктисодий фаолият турлари кесимида худудлар бўйича тақсимланиши**  
(2020 йил 1 июль ҳолатига)

Туман ва шаҳарлар	Жами	Кишилек ва ўрмон хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Савдо	Танишва саклан	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	Ахборот ва аложа	Соғликини саклаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	Бончадар
<b>Тошкент вилояти</b>	<b>1248</b>	<b>117</b>	<b>684</b>	<b>57</b>	<b>221</b>	<b>22</b>	<b>26</b>	<b>3</b>	<b>12</b>	<b>106</b>
<i>туман:</i>										
Оққўргон	11	1	8	1	-	-	-	-	-	1
Оҳангарон	73	10	53	1	5	-	-	-	-	4
Бекобод	10	3	6	-	-	-	-	-	-	1
Бўстонлик	46	14	10	3	5	1	5	-	-	8
Бўка	10	2	3		4	-	1	-	-	-
Куйичирчик	43	8	23	2	6	-	-	1	-	3
Зангиота	162	9	54	5	59	8	5	-	2	20
Юкоричирчик	103	11	69	3	15	-	-	-	1	4
Қибрай	122	15	52	7	28	1	2	1	2	14
Паркент	25	3	15	2	1	-	1	-	1	2
Пискент	20	6	9	2	2	-	-	-	-	1
Ўртачирчик	83	19	40	4	9	1	4	-	2	4
Чиноз	19	2	14		3	-	-	-	-	-
Янгийўл	74	5	42	3	16	3	2	-	-	3
Тошкент	66	4	37		19	4	-	-	1	1
<i>шаҳар:</i>										
Нурафшон ш.	56	3	39	12	2	1	2	-	-	7
Олмалиқ ш.	44	1	25	1	8	-	2	-	-	7
Ангрен ш.	84	-	61	4	11	1	1	-	-	6
Бекобод ш.	22	-	15	1	2	2	-	-	-	2
Оҳангарон ш.	43	-	33		5	-	-	-	-	5
Чирчик ш.	79	1	49	3	10	-	1	1	3	11
Янгийўл ш.	53	-	37	3	11	-	-	-	-	2

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирликда**



**2020 йил январь-июнъ ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда давлат ва нодавлат секторларининг нисбати  
(умумий ҳажсмга нисбатан % ҳисобида)**

